



[Аризани юклаб олиш](#)

Туман хокимликларининг электрон почта манзили

Бектемир тумани	bektemir@tashkent.uz
МирзоУлуғбек тумани	m.ulugbek@tashkent.uz
Миробод тумани	mirobod@tashkent.uz
Олмазор тумани	olmazor@tashkent.uz
Сергели тумани	sergeli@tashkent.uz
Учтепа тумани	uchtepa@tashkent.uz
Ҳамза тумани	hamza@tashkent.uz
Чилонзор тумани	chilonzor@tashkent.uz
Шайхонтохур тумани	shayxontohur@tashkent.uz
Юнусобод тумани	yunusobod@tashkent.uz
Яккасарой тумани	yakkasaroy@tashkent.uz

Тошкент шаҳри фуқаролари диққатига
Ҳаж сафарига бориш учун рўйхатга олиш ва расмийлаштириш
тартиби ҳамда вазифалар

Ҳаж сафарига бориш учун навбат рўйхатига кириш бўйича фуқаролар доимий турар жойидаги маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат этиши лозим.

Маҳалла фуқаролар йиғинларига фуқароларни Ҳаж сафарига бориш истагида бўлган фуқароларни рўйхатга олишда қуйидаги вазифалар юклатилган:

- фуқаро Ҳаж сафарига бориш учун ариза билан маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат этиш ва унга 2 та (3,5 x 4,5 ҳажмда) фотосурат, паспорт нусхасини илова қилиш;
- маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги Ҳаж комиссияси фуқаро томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиш;
- йил давомида Ҳаж сафарига бориш бўйича мурожаат этган фуқароларни маҳалла фуқаролар йиғини томонидан тикилган, рақамланган, муҳрланган, имзоланган дафтарга тартиб асосида рўйхатга олиш, унда рўйхатга фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароларини қайд этиш ҳамда доимий истиқомат қиладиган манзилига кўра олиш;
- маҳалла фуқаролар йиғини томонидан махсус тикилган, рақамланган, муҳрланган дафтардан кетма-кетликда туман Ҳаж жамоатчилиқ Кенгашига берилган квотага асосан тавсия қилиш.

Маҳалла фуқаролар йиғини ҳаж сафарига бориш учун тавсия этишда қуйидагиларни амалга оширади:

- белгиланган квотага ва махсус тикилган, рақамланган, муҳрланган дафтардаги навбатга риоя этиш;
- рўйхатга Ҳаж сафарига бормаган ҳамда 40 ёшдан ошган фуқароларни тавсия этиш;

- тавсия этилаётган фуқаронинг саломатлиги бўйича оилавий поликлиника ва тиббиёт муассасаларининг хулосаларини олиш;
 - тавсия этишда маҳалла фуқаролар йиғинида аризачилар иштирокида муҳокама қилиш;
 - аёлларни тавсия этишда маҳрам масаласига эътибор бериш;
- (Изоҳ: 46 ёшгача бўлган аёл киши учун маҳрам қоида тарикасида отаси, акаси, укаси, турмуш ўртоғи, ўғли бўлиши мумкин ҳамда Саудия Арабистони Подшоҳлигининг талабига асосан 46 ёшдан ошган аёлдан маҳрам талаб этилмайди).
- тавсия этилган фуқаронинг тегишли ҳужжатларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириб, туман Ҳаж жамоатчилиқ Кенгашига тақдим этиш.

Туман Ҳаж жамоатчилиқ Кенгашининг вазифалари:

- маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги Ҳаж комиссияси ишини мувофиқлаштириш, услубий ёрдам бериш ва адолат мезонлари бузилмаслигини назорат қилиш;
- Тошкент шаҳар Ҳаж жамоатчилиқ Кенгаши томонидан берилган квотани маҳаллаларга тақсимлаш;
- маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги Ҳаж комиссияси томонидан белгиланган квотага асосан тавсия этилган фуқароларнинг ҳужжатларни олиш ва умумлаштириш;
- тавсия этилган фуқароларнинг ҳужжатларини кўриб чиқиш;
- Ҳаж сафарига бориш учун фуқаролар рўйхати ва уларнинг ҳужжатларини сўралган муддатда Тошкент шаҳар Ҳаж жамоатчилиқ Кенгашига тақдим этиш;
- фуқароларнинг Ҳаж сафарига бориш бўйича тавсия қилиш билан боғлиқ масаласига доир ариза, таклиф ва шикоятларини кўриб чиқиб, жавоб бериш.

Тошкент шаҳар Ҳаж жамоатчилиқ Кенгашининг вазифалари:

- Туман Ҳаж жамоатчилиқ кенгашлари ишини мувофиқлаштириш, услубий ёрдам бериш ва адолат мезонлари бузилмаслигини назорат қилиш;
- Республика Ҳаж Жамоатчилиқ кенгаши томонидан Тошкент шаҳрига ажратилган квотадан келиб чиқиб, белгиланган йилда Ҳаж сафарига фуқароларни юбориш учун туманлар кесимида квота ишлаб чиқиш ҳамда тақдим этиш;
- белгиланган йил учун туман Ҳаж жамоатчилиқ Кенгашидан рўйхат ва ҳужжатларни олиш ҳамда уларни ўрнатилган тартибда белгиланган муддатда Республика Ҳаж жамоатчилиқ Кенгашига тақдим этиш;
- Ҳаж масаласига оид фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини кўриб чиқиш;
- Ҳаж сафарига бориб келган фуқароларнинг ҳисобини юритиш ва мониторинг қилиш.

Тавсия этиш жараёнида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш:

- навбатдаги фуқаролар билан Ҳаж сафарига бориши ва унга қўйиладиган талаблар бўйича суҳбат уюштириш;
- 46 ёшгача бўлган аёлларнинг маҳрами мавжудлигига эътибор қаратиш;
- фуқаронинг паспорти белгиланган талабга жавоб бериши, чиқиш визаси мавжудлиги ва муддатини кўриб чиқиш;
- фуқаро Саудия Арабистони Подшоҳлигига бориб келиш ва белгиланган амалларни бажариш учун саломатлиги тўғри келиши бўйича тиббий кўрикдан ўтказиш ва хулоса олиш;
- юқоридаги вазифалар бажарилгандан сўнг, фуқародан Ҳаж сафарига бориш учун белгиланган пул тўловини қабул қилиш; (Изоҳ: Тўловни ўрнатилган муддатда амалга оширмаган фуқаро рўйхатдан чиқарилади).
- Республика Ҳаж жамоатчилиқ Кенгашининг талаблари асосида Ҳаж сафарига бориш учун тўловни амалга оширган фуқароларнинг ҳужжатларини тайёрлаш ва тақдим этиш.

Тошкент шаҳридаги Ҳаж сафари билан боғлиқ тайёргарлик ишлари Юнусобод тумани, Бодомзор даҳасидаги Мирза Юсуф номли жоме масжидида фаолият олиб борадиган ишчи гуруҳ томонидан белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Ҳаж сафарига бориш юзасидан мурожаат этаётган фукарога рўйхатга киритиш, тавсия этиш, тиббий кўриқдан ўтказиш ва Ҳаж билан боғлиқ бошқа масалалар учун бирон иш юклаш ёки маблағ талаб қилиш қатъиян ман этилади. Бундай ҳолатлар бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2390553 телефон рақамига мурожаат этишингиз мумкин.